

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

511 **Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2011 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда
маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) Конвенция 6-моддасининг 2-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, мазкур Конвенциянинг бажарилиши учун масъул бўлган ваколатли органлар Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасидир»;

2) Конвенция қоидаларининг юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкни жиноий жазо чораси сифатида мусодара қилишни қўллаш мумкинлигига доир қисми Ўзбекистон Республикасининг миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикасида қўлланилмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 16 декабрь,
ЎРҚ-309-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 17 декабрда эълон қилинган.